Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 8 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 50-51 (7048)

**Da'vat**

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

Ислом Каримов

**Ibrat**

Гулистон тумани ҳокимлиги 1024 нафар ўқувчи учун дарсликлар жамланмасини харид қилди.

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, 1998-99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ёшларни уюшқоқлик билан қабул қилишни ва сифатли танлашни амалга ошириш, шунингдек тест синовларининг юқори даражада ўтказилишини таъминлаш мақсадида:

1.Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус,касб-ҳунар таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги,Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар, идоралар ва Давлат тест маркази тасдиқлаган Низомларни бажариш бўйича зарур ташкилий тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда «Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом»ни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 4 июлдаги 282-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5.Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари А. А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**
**Ў. Султонов**

Тошкент шаҳри,4 -июль 1998 йил

**Ушбу фармойишга тегишли иловалар билан газетамизнинг ички саҳифаларида танишасиз.**

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 54 кун қолди



**ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА**

**«Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ, «Маърифат» газетаси 1997 йил 30 август).**

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БЕВОСИТА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ОИД МАЪРУЗАЛАРИ**

**«Оила фаровонлиги — Миллат фаровонлиги» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги нутқ, «Маърифат» газетаси 1997 йил 10 декабрь).**

**Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси XI сессиясида сўзлаган нутқи («Маърифат» газетаси 1998 йил 6 май).**

**«Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берилган жавоблар, «Маърифат» газетаси 1998 йил 13 июнь).**



Diqqat ! Diqqat ! Diqqat !

- **Жойларда Ташхис марказлари ташкил қилинганми?**
- **Биринчи синфга олти ёшли болани қандай саралайсиз?**
- **Уларни мактабга қай йўсинда тайёрлаяпсиз?**



# БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ ?

Болаларни мактабга тайёрлаш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да болаларни 6-7 ёшдан мактабга қабул қилиш учун асос яратилди. Шунингдек, болаларни 5-6 ёшдан мактабга тайёрлаш шарт эканлиги белгиланди.

Аслида болаларни мактабга пухта тайёрлаш, уларни олти ёшдан бошлаб 1-синфга қабул қилиш республика таълим муассасалари учун янгилик эмас.

1998-99 ўқув йилидан бошлаб эса олти ёшли болаларни мактабларга қабул қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли Қарорига мувофиқ туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази» томонидан бериладиган тавсиялар асосида ҳал этиладиган бўлди. Мазкур марказ олти ёшли болаларнинг умумий ривожланишига, психологик-педагогик ва тиббий нуқтаи назардан ташҳис қўяди. Уларнинг қобилияти ва мойилликларини аниқлайди ва шу асосда боланинг олти ёшдан бошлаб мактабда ўқий олишини аниқлаб, тегишли йўлланма беради.

Умумий таълим мактаблари раҳбарлари олти ёшли болаларни ушбу марказнинг ташхисисиз мактабга қабул қилиши мумкин эмас. Кейинги пайтларда ота-оналар, мактаб жамоаларидан болаларнинг мактабга тайёрлаш билан боғлиқ жараён қаерда, қандай ва ким томонидан амалга ошириладими? Тайёргарлигини белгилайдиган меъёрлар борми? деган мазмунда саволлар тушмоқда. Бу каби саволлар билан таълим бошқарув бўғинлари мутахассислари ва бошқа тоифадаги кишилар ҳам қизиқишмоқда. Ушбу мақола орқали мана шу саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало шуни маълум қиламизки, Республика ҳукуматининг юқорида кўрсатиб ўтилган қарорида таъкидланганидек Халқ таълими вазирлиги томонидан туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида фаолият кўрсатадиган «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази»нинг Низоми ишлаб чиқилди. Ўйлаймизки, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни қизиқтираётган саволларнинг кўпчилигига мазкур Низом жавоб беради. У яқин кунлар ичида халқ таълимига оид газета ва журналларда чоп этилади.

Юқорида баён қилинган Республика ҳукуматининг ва Халқ таълими вазирлигининг мазкур масала бўйича қабул қилган ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни маълум қиламиз.

1.Олти ёшли болаларни мактабга тайёрлаш қуйидаги омиллар орқали амалга оширилади:

— болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳларида;

— мактабларда, болалар боғчалари ва мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасаларида очилган махсус курсларда;

— умумий таълим мактаблари қошида ташкил этилган шанба-якшанба мактабларида;

— мактаб-боғча ҳамкорлигида ташкил этилган болаларни мактабга тайёрлаш синфларида;

— маҳаллада, хонадонларда ташкил этилган тайёрлов гуруҳларида;

— алоҳида репетиторлар ёллаган ҳолда хонадонлар ёки ўқув муассасаларида;

— болаларни мактабга тайёрлашни уддалай оладиган ота-оналар ёрдамида ...

Шу муносабат билан вазирлик томонидан болалар боғчалари, умумий таълим раҳбарларига юклатилган яна бир вазифани эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар 1998-1999 ўқув йилида мактабнинг 1- синфларига келадиган ўқувчиларнинг қаерда ва ким томонидан мактабга тайёрланаётганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишлари керак.

**2.Болаларни мактабга тайёрлашнинг мазмуни.**

**(Давоми 8-бетда).**

**«Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайри қонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

**Мусулмон оламида таниқли аллома Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларидан бир гуруҳи Самарқандда бўлиб, олиб борилаётган ишлар кўлами ва сифати билан танишишди.**

**JUMLADA JAHON**

**Приморьеда Партизанск атом-электростанциясидан ташқари барча станциялар тўхтатилганлиги боис юзага келган энергия танқислиги Россия ҳукуматини жиддий хавотирга солмоқда.**

**Қоҳира шаҳрида Миср Президенти Хусни Муборак, Иордания Қироли Хусайн ва Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арофат иштирокида бўлиб ўтган учрашувда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш мавзуси муҳокама этилиб, АҚШ томонидан киритилган араб ерларининг яна 13 фоизини фаластинликларга қайтариш режаси маъқулланди.**

Munosabat

## ЎТГАНЛАР ҲАЁТИ — ИБРАТ

Мен оддий қишлоқ ўқитувчисиман. Болаларимизни ўз ватанларини севишга, унга муносиб, илмли фарзанд қилиб тарбиялашга баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдаман.

Юртимизда бунёдкорлик ишлари авж олган.Уларнинг ҳар бири юртбошимизнинг эътиборидан четда қолмаётгани мени қувонтиради.Дейлик, буюк давлатни ким барпо этади? Ақлли,соғлом — баркамол авлод. Баркамол авлодни тарбиялаш учун нима қилиш керак? Таълим тизимини ислоҳ этиш лозим. Бу борада ҳам иш қизғин.

Ривожланган давлатлар қаторига миллий ўзлигини сақлаган ҳолда кириш масаласи ҳам юртбошимизнинг хоҳ миллий мафкура масаласидаги чиқишларида, хоҳ миллий эстрада борасидаги фикрларида бўлсин акс этиб туради. Мени ҳаяжонга солган яна бир жиҳат бу 9-май куни Президентимизнинг матбуот ходимларига берган интервьюлари бўлди. 9-май кунини хотира сифатида нишонлаш, пойтахтда «Хотира хиёбони»ни қуриш масалалари, жойларда бу ишнинг давом эттирилиши ҳақидаги фикрлар диққатга сазовор.

Дарҳақиқат катта авлодга ҳурмат, омонлигимизни асраш учун шаҳид бўлганларни эслаш бу энг аввало, ёш авлодга бериладиган ибратли тарбиядир. Биз ўтган боболарни эъзозласак, болаларимиз ўзидан аввал ўтганларни биздан-да яхшироқ эъзозлайди. Иккинчидан, уруш ҳақидаги хотира халқимизни доим жипслаштириб туради. Бундай халқни эса ҳеч ким енга олмайди. Шу боис олиб борилаётган сиёсатни ўқувчиларимга тушунтириб боряпман.

**Барнохон МАНСУРОВА,**
**ўқитувчи**

## УСТОЗЛАР ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДА

Ёз мавсуми ўқитувчилар учун маданий ҳордиқ палласи ҳисобланади. Вақтида дам олганга не етсин!

Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Урганчдаги «Зиёкор» сиҳатгоҳи ташкил этилганига бир неча йил бўлди. Йилдан-йилга унинг моддий базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Кўл бўйида, хушманзара маконда жойлашган ушбу сиҳатгоҳга келувчи зиёкорлар сафи тобора ошиб бормоқда.

Бу ерда ҳар ой 80 нафарга яқин муаллим дам олади, ўз саломатлигини мустаҳкамлайди.

Яқинда биз «Зиёкор» сиҳатгоҳида бўлиб, шароити билан яқиндан танишдик. Бош шифокор М. Ниёзметов, шифокор З.Ҳайитова, катта тиббиёт ҳамшираси Ф.Худойберганова, хўжалик ишлари бўйича мудир Р.Жуманов, боғбон А.Шукруллаев, бош ошпаз М.Собирова, сиҳатгоҳ ҳайдовчиси М.Рўзиметовларнинг «Зиёкор» фаолиятини яхшилаш борасидаги хизматлари катта бўлмоқда.

Санатория ҳудудида ҳар хил мевали дарахтлар, узумлар билан бирга сабзавот экинлари ҳам етиштириляпти.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**ўз мухбиримиз**

Bolangizga darslik oldingizmi?

## КУН САЙИН КЎПАЙМОҚДА

Ҳар гал газета саҳифаларида ҳокимликларнинг кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда кўрсатаётган ёрдамини ёритганимизда бу тадбирга барча вазирликлар, идоралар, сармоядорларнинг қўшилиб кетишига умид, ишонч билдириб қолаяпмиз. Ва куттанимиздек,ҳар куни таҳририятимизга битта, иккита шундай хушхабар келиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ёрдамга муҳтож соҳа хизматкорларига бу муаммони ҳал этишга ёрдам беришга қарор қилди.

Шунингдек «Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон» компаниясининг Самарқанд ва Ургут филиалларининг бу тадбирга жонжон деб қўшилганлигидан эса самимий дўстлик аломатларини кўраяпмиз.

Улар янги ўқув йили арафасида Самарқанд шаҳрининг бир талай ўқувчиларини хушнуд этиш учун ҳозирданоқ 75 минг сўм пул ажратишди.

**Р. БОЙМАТОВ**

## ҲОКИМЛИК ТАШАББУСИ

Юртимизда 1998-99 ўқув йилида 5,5 миллиондан зиёд ўқувчи мактабларга боради. Демак, уларга 50 миллиондан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари зарур.

Бош ислоҳотчи бўлган давлат дарсликлар сифатини, илмийлигини, самарадорлигини жаҳон андозалари даражасига кўтариш йўлидан бормоқда. Ота-оналар эса, фарзандларига дарсликларни сотиб олиш билан ана шу эзгу ишда кўмак берадилар. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга келсак, бу иш ҳукуматимизнинг диққат марказидаги масалалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда барча ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, фирмалар уларга бу борада кўмак беришга ҳаракат қилишяпти.

Жумладан Қашқадарё вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Баҳористон туман ҳокимлигининг ташаббуси билан, вилоят аҳолисининг кам таъминланган оилалари фарзандларини дарслик билан таъмин этишда ижтимоий ҳимояни йўлга қўйиш мақсадида махсус қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилот, корхона, хўжалик ва фирмалар ўз жамоаларидаги кам таъминланган оила фарзандларини дарсликлар билан таъминлашда молиявий ёрдам кўрсатишлари тавсия қилинган.

Ўйлаймизки, Республикамизнинг барча ҳудудларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш масаласи ўзининг ана шундай ижобий ечимини топади.

**Ф. КАРИМОВ**

XABARLARI MMM

### Shay qilib qo‘yishdi

Shahrisabz tumanida ta’mirlash ishlarini birinchi bo‘lib 72-o‘rta maktab jamoasi nihoyasiga yetkazdi. Maktabdagi barcha sinfxonalari, ustaxona, oshxona, sport zali va o‘quv anjomlarini tez va sifatli ta’mirlashga N. Pirnazarova, R. Solieva, B. Tursunova, I. Rahimov, Sh. Norovlar munosib ulush qo‘shishdi.

**Ahad MUQIMOV**

### Ayni zarur damda

Bu yil chortoqlik abituriyentlar test varaqalarini texnik jihatdan bexato to‘lg‘izishsa kerak. Chunki yaqinda 31-o‘rta maktabda talabalikka da’vogar 294 nafar yoshlar bilan DTMning Namangan viloyati bo‘yicha vakili Yoqubjon Madaminov uchrashuv o‘tkazib, ularga test-sinov jarayonining qonun-qoidalarini obdon tushuntirdi.

**O‘rmonjon MO‘MINOV**

### Plakatda aks ettirildi

Oila yiliga bag‘ishlanib Marhamat shahridagi Ismoil O‘tanov nomli bolalar madaniyat va istirohat bog‘ida tuman XTB, tuman sog‘liqni saqlash bo‘limi va Qizil yarim oy jamiyati tuman qo‘mitasi tashabbusi bilan o‘quvchilar o‘rtasida plakatlar tanlovi o‘tkazildi.

O‘quvchilar ijod namunalari bilan kattayu kichikning eng katta burchi — oila totuvligini saqlash ekanligini aks ettira bilishdi.

27-o‘rta maktabning 8-sinf o‘quvchisi Vohidjon Turdiev bosh sovrinni qo‘lga kiritdi.

**Abdurasul ERALIYEV**

### Taxiatoshda anjuman

Taxiatosh shahrida «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» asosida bolalarni maktabga tayyorlash jarayonida yangi pedagogik texnologiyadan foydalanish» mavzuida seminar-kengash bo‘lib o‘tdi.

Unda shahar va tuman XTB mudirlari, bog‘cha mudiralari qatnashib Taxiatosh sahridagi eng namunali 10, 16, 9 – bolalar bog‘chalari bilan yaqindan tanishdilar.

Seminarda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Xalq ta’limi vaziri B. Sultonov ishtirok etdi.

**G‘oyib YOQUBOV**

MMM XABARLARI

### G‘uzorning «Quyoshchasi»

G‘uzor tumanidagi D.To‘xtayev nomli maktab qoshida o‘quvchilarning yozgi «Quyoshcha» oromgohi tashkil etildi.

Oromgohda maktabning 75 nafar o‘quvchilarining dam olishlari uchun hamma narsa bunyod etilgan. «Shaxmat — shashka», «musiqa», «sport» xonalari dam oluvchi o‘quvchilar ixtiyorida.

Kutubxona va o‘qish zallari bolalar bilan gavjum.

**Abduvali OBIDDINOV**

# Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида

# НИЗОМ

**Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 июлдаги 320-ф-сон фармойишига 1-ИЛОВА**

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Олий таълим муассасалари қабулни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширадилар.

2. Республика олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига (баллар) биноан рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режасининг 50 фоизи давлат грантлари ҳисобидан, қолган 50 фоизи тўлов-контракт асосида ташкил этилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилади.

Тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази амалга оширади. Тест синовларини ўтказишга масъул бўлган Давлат тест маркази вакиллари Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва олий таълим муассасалари ректорлари жойларда тест синовларини ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

3. Тест синовлари уч тилда — ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқитиш тили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул кўрсаткичлари доирасида ҳужжатлар қабул қилинишига қадар вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент тест синовларини олий таълим муассасасида ўқийдиган тилда топширади.

Таълим йўналишлари бўйича, тест синовлари учун, тегишли фанлар мажмуаси белгиланади (1-илова).

Олий таълимнинг айрим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича тест синовлари билан бир қаторда қўшимча профиль (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади (2-илова).

4. Айрим таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича ўқитиш тожик, қозоқ ёки туркман тилларида олиб бориладиган олий таълим муассасаларига қабул кўп балли тизим бўйича профиль имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади (3-илова). Таълимнинг (мутахассислик)нинг ушбу йўналишларига аризалар ўрта мактабни фақат кўрсатилган тилларда тугатган абитуриентлардан қабул қилинади.

5. Урта мактабда испан (араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур) тилини чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар, мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширадилар, қолган фанлар бўйича эса тест синовларидан ўтадилар.

Мазкур банд роман-герман филологияси ( инглиз, немис ва француз филологияси) йўналиши бўйича ўқишга кирадиган абитуриентларга нисбатан қўлланилмайди.

6. Профиль (ижодий) ва кўп балли имтиҳонларни ўтказиш тартиби ва қоидалари Давлат комиссияси билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда - Олий таълим вазирлиги деб аталади) томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тасдиқланади (4 ва 5-иловалар).

7. Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш Олий таълим вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширилади (6-илова).

Тест синовлари натижалари бўйича энг кўп баллнинг камида 40 фоизини тўплаган I ва II гуруҳ ногиронлари, шу жумладан, болалигидан I ва II гуруҳ ногиронлари, етим болалар ва (Меҳрибонлик уйлари) болалар интернат-уйларида тарбияланганларни ўқишга қабул қилиш масаласи Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

8. МДҲ фуқароларини Ўзбекистон олий таълим муассасаларига ўқиш учун уюшган ҳолда (кооперацияли) қабул қилиш, шунингдек, республика фуқароларини МДҲ мамлакатларига ўқишга жўнатиш давлатлараро шартномалар ва Давлат комиссиясининг тегишли қарорига асосан амалга оширилади.

## ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

9. Олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг (Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида) 1994 йил 24 майдаги 266-сон қарорига ҳамда ҳукуматлараро битимларга мувофиқ ёки Давлат комиссиясининг розилиги билан тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Хорижий фуқароларнинг олий таълим муассасаларида ўқиши учун тўлов миқдори Олий таълим вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

10. Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ олий таълим муассасаларида ўз фаолиятини амалга оширувчи қабул комиссиялари ташкил этилади. Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари қабул комиссияси томонидан 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам), Маданият ишлари вазирлиги ва Бадиий академия олий ўқув юртларида эса 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

**Абитуриент ўқишга кириш чоғида қуйидагиларни тақдим этади:**

таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;

ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат;

I ва II гуруқ ногиронлари, етим болалар ва (Меҳрибонлик уйлари) болалар интернат-уйларида тарбияланганлар асл нусхадаги тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмларнинг ўқишга юбориш ҳақидаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентлар ҳам уларни олий таълим муассасалари қабул комиссиясига тақдим этадилар.

Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ҳам шахсан кўрсатилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари 22 июлга қадар бўлган муддатда Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, абитуриентларнинг (шу жумладан, юқорида қайд этилган тоифалари) сони ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотни тақдим этадилар.

## ПРОФИЛЬ (ИЖОДИЙ) ИМТИҲОНЛАР

11. Профиль (ижодий) имтиҳонлар тест синовларига қадар 11 июлдан 25 июлгача, тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган оралиқда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.

Профиль (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (аппеляция) аризалари, Олий таълим вазирлиги белгилаган тартибда, олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 26 июлга қадар бўлган муддатда, кўриб чиқилади.

Профиль (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат комиссиясига олий таълим муассасалари томонидан 27 июлгача тақдим этилади.

Профиль (ижодий) имтиҳонларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар белгиланган шакллар бўйича олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан Давлат тест марказига тақдим этилади:

кундузги бўлимлар учун - 1 августда;
сиртқи бўлимлар учун - 11 августда.

## ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ

12. Тест синовлари:
кундузги бўлимларда - 1 августда;
сиртқи бўлимларда - 11 августда ўтказилади.

13. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналиши (мутахассислик)га қараб абитуриентлар 1 ва 2- иловаларга мувофиқ икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Тест топшириқлари ўрта умумтаълим мактаблари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

14. Мажмуанинг ҳар бир фани 36 топшириқни ўз ичига олади.

қуйидаги вақт меъёрлари белгиланади:

а) 72 саволга - 2 соат;
б) 108 саволга - 3 соат.

Мажмуалар қуйидаги фанлар бўйича шаклланади:

1. Она тили: ўзбек тили ва адабиёти
2. Она тили: рус тили ва адабиёти
3. Она тили: қорақалпоқ тили ва адабиёти
4. Иккинчи тил: ўзбек тили ва адабиёти
5. Иккинчи тил: рус тили ва адабиёти
6. Иккинчи тил: қорақалпоқ тили ва адабиёти
7. Математика
8. Физика
9. Кимё
10. Биология
11. Тарих
12. География
13. Чет тили: инглиз
14. Чет тили: немис
15. Чет тили: француз

Тест синовлари бошланишига қадар , 30 дақиқагача тушунтириш ишлари ўтказилади, бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

Тест синовларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш, жойларда тест синовлари қоидаларига қатъий риоя этиш масъулияти Давлат тест маркази вакиллари, қабул комиссиялари раислари ва ҳокимликлар томонидан тайинланадиган аудиторияларнинг раҳбарларига юкланади.

Тест синови эрталаб соат 8 дан 30 дақиқа ўтганда бошланади.

Жавоблар варақаси абитуриент томонидан ҳаво ранг пастаси бўлган шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёридан ортиқча 20 дақиқа ажратилади.

Жавоблар варақаси тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Қабул қоидалари бўйича тегишли доирачаларни нотўғри белгилаган абитуриентлар эътирози кўриб чиқилмайди.

Белгиланган вақтда тест синовларига келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

## АБИТУРИЕНТЛАРНИ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЎҚИШ УЧУН ТЎЛОВ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ

15. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси белгилаган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида тест синовларининг баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин уларни ўқишга қабул қиладиган олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида улар ўқитишнинг тўлиқ қийматини тўлашлари тўғрисида контрактлар расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланклари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ҳолда, 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида Давлат комиссияси томонидан ўқишга тавсия этилган абитуриентлар тўловни контрактда кўрсатилган ўқишга сарфланадиган харажатлар қийматини ҳар йили тўла қоплаган ҳолда амалга оширадилар.

Уқиш учун тўлов-контракт асосида грантлар ажратиш тартиби, контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Давлат комиссиясида тасдиқланган тегишли Низом билан тартибга солинади.

## ХАЛҚАРО ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ ВА МУСОБАҚАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг (Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида) 1993 йил 5 февралдаги Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари бўлган мактаб ва билим юртлари ўқувчиларини рағбатлантириш тартиби асосида Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси томонидан ўтказилган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг гувоҳномасини олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва профиль (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

Республика мактаб олимпиадаси фани билан олий таълимнинг йўналиши ўртасидаги профиль мувофиқлик Олий таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг тақдимномаларига кўра Давлат комиссияси томонидан белгиланади (7-илова).

Олий ўқув юртлари қабул комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларининг аризалари ҳақидаги маълумотларни, таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, Давлат комиссияси ва Давлат тест марказига 22 июлгача бўлган муддатда тақдим этадилар.

## МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН АБИТУРИЕНТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида) 1994 йил 3 октябрдаги 496- сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшган ҳолда имтиёзли шароитлар берилади.

Ҳарбий қисм тавсияномасини олиш тартиби ва унинг шакли Мудофаа вазирлиги ва Олий таълим вазирлигининг йўриқ хати билан белгиланади.

Олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ушбу тоифага кирувчи абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни таълим йўналиши, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллар бўйича Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига тақдим этадилар:
кундузги бўлимлар учун - 1 августда;
сиртқи бўлимлар учун - 11 августда.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

18. Давлат комиссиясининг абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисидаги қарори 15 августдан кечикмай қабул қилинади ва у олий таълим муассасаларида 20 августга қадар абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштиришги учун асос бўлади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентларни қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган маблағ миқдори, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, 10 сентябрдан кечиктирилмай, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

**1-ИЛОВА**

## Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кирувчилар учун таълим йўналишлари рўйхати ва тест бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси

| Код (*) | Таълим йўналишлари | Тест синови ўтказиладиган фанлар мажмуаси | Балл |
|---|---|---|---|
| Х001 | Математика; Амалий математика ва информатика; Механика; Спорт кибернетикаси; Қурилиш; Авиа ва ракетасозлик; Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; Авиация ва космик техникадан фойдаланиш; Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; Агромуҳандислик; Урмон иши; Ер тузилиши ва ер кадастри | Математика<br>Физика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х034 | Геология; Тоғ-кон иши; Геодезия, картография ва кадастр; Геология ва фойдали қазилмаларни қидириш; Нефтгаз иши | Математика<br>Физика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х036 | Ер усти транспорт воситалари; Технологик машиналар ва асбоб-ускуналар; Транспорт воситаларидан фойдаланиш | Математика<br>Физика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х040 | Иссиқлик энергетикаси; Электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар; Электроэнергетика; Гидроэнергетика | Математика<br>Физика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х041 | Автоматлаштириш ва бошқарув; Телекоммуникациялар; Электроника ва микроэлектроника; Электрон воситаларни лойиҳалаш ва уларнинг технологияси; Асбобсозлик; Метрология; стандартлаш ва сертификатлаш; Радиотехника; Информатика ва ҳисоблаш техникаси | Математика<br>Физика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х002 | Физика; Астрономия; Техникавий физика; Касб-ҳунар таълими; | Физика<br>Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х003 | Кимёвий технология ва биотехнология; Металлургия; Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси; Полиграфия | Кимё<br>Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х004 | Кимё; Фармация; Мевасабзавотчилик; Узумчилик; Ўсимликларни ҳимоя қилиш; Ипакчилик; Селекция ва генетика; Зоотехния; Қоракўлчилик; Ветеринария | Кимё<br>Биология<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х005 | Биология; Агрономия; Агрокимё ва агротупроқшунослик; Тупроқшунослик; Экология ва табиатдан фойдаланиш | Биология<br>Кимё<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х006 | География; Гидрометеорология | География<br>Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х007 | Ўзбек филологияси; ўзбек тили ва адабиёти | Ўзбек тили ва адабиёти<br>Тарих<br>Чет тили | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х107 (**) | Ўзбек филологияси; ўзбек тили ва адабиёти | Ўзбек тили ва адабиёти<br>Тарих | 3.1<br>2.1 |
| Х008 | Рус мактабларида ўзбек тили | Ўзбек тили ва адабиёти<br>Рус тили (иккинчи тил)<br>Тарих | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х009 | Рус филологияси; рус тили ва адабиёти | Рус тили ва адабиёти<br>Тарих<br>Чет тили | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х109 (**) | Рус филологияси; рус тили ва адабиёти | Рус тили ва адабиёти<br>Тарих | 3.1<br>2.1 |
| Х010 | Ўзбек мактабларида рус тили | Рус тили ва адабиёти<br>Ўзбек тили (иккинчи тили)<br>Тарих | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х011 | Қорақалпоқ мактабларида рус тили | Рус тили ва адабиёти<br>Қорақалпоқ тили (иккинчи тили)<br>Тарих | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х012 | Қорақалпоқ тили ва адабиёти | Қорақалпоқ тили ва адабиёти<br>Тарих<br>Чет тили | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х112 (**) | Қорақалпоқ филологияси; Қорақалпоқ тили ва адабиёти | Қорақалпоқ тили ва адабиёти<br>Тарих | 3.1<br>2.1 |
| Х013 | Рус мактабларида қорақалпоқ тили | Қорақалпоқ тили ва адабиёти<br>Рус тили (иккинчи тил)<br>Тарих | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х014 | Шарқшунослик; Африкашунослик; Марказий Осиё халқлари тарихи; Диншунослик (исломшунослик) | Тарих<br>Чет тили<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х114 (**) | Шарқшунослик; Африкашунослик;. Марказий Осиё халқлари тарихи; Диншунослик (исломшунослик) | Тарих<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>1.1 |
| Х015 | Фалсафа; Фалсафа ва мантиқнинг умумжаҳон тарихи; Сиёсатшунослик; Психология; Ижтимоий иш; Социология; Кутубхонашунослик ва библиография; Архив ва архившунослик; Китобшунослик ва китоб савдосини ташкил қилиш; Маданият соҳасида менежер | Тарих<br>Она тили ва адабиёти<br>- Чет тили | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х115 (**) | Фалсафа; Фалсафа ва мантиқнинг умумжаҳон тарихи; Сиёсатшунослик; Психология; Ижтимоий иш; Социология; Кутубхонашунослик ва библиография; Архив ва архившунослик; Китобшунослик ва китоб савдосини ташкил қилиш; Маданият соҳасида менежер | Тарих<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| Х033 | Тарих | Тарих<br>Она тили ва адабиёти<br>Чет тили | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х133 (**) | Тарих | Тарих<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| Х016 | Иқтисодиёт; Маркетинг; Агроиқтисодиёт; Статистика; иқтисодиётда ахборот тизими; Молия ва кредит; Иқтисодчи-педагог; Менежмент; Суғурта иши | Математика<br>Чет тили<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х116 (**) | Иқтисодиёт; Маркетинг; Агроиқтисодиёт; Статистика; Иқтисодиётда ахборот тизими; Молия ва кредит; Иқтисодчи-педагог; Менежмент; Суғурта иши | Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>1.1 |
| Х017 | Минтақашунослик | Чет тили<br>Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х117 (**) | Минтақашунослик | Математика<br>Она тили ва адабиёти | 2.1<br>1.1 |
| Х018 | Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти | Она тили ва адабиёти<br>Математика<br>Тарих | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х019 | Педагогика ва психология; Педагогика ва психология (мактабгача таълим); Дефектология | Биология<br>Она тили ва адабиёти<br>Тарих | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х020 | Журналистика; Халқаро журналистика | Она тили ва адабиёти<br>Тарих<br>Чет тили | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х120 (**) | Журналистика; Халқаро журналистика | Она тили ва адабиёти<br>Тарих | 3.1<br>2.1 |
| Х022 | Педиатрия иши | Биология<br>Кимё<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |
| Х023 | Стоматология | Биология<br>Кимё<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1<br>1.1 |

(Давоми 3-бетда)

4-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича профиль (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш

# ТАРТИБИ

1. Республика олий таълим муассасаларида ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича профиль (ижодий) имтиҳонлар (кейинги ўринларда — имтиҳонлар деб аталади) тест синовлари бошлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси белгилаган муддатларда ўтказилади.

2. Тест синовларига қўшимча тарзда назарда тутилган ижодий ёки профиль истиҳонлар Давлат комиссияси тасдиқлаган таълим йўналишлари (мутахассисликлар) рўйхати бўйича ўтказилади.

3. Профиль (ижодий) имтиҳонларнинг бош мақсади абитуриентларнинг танланган мутахассислик бўйича ўқиш ва кейинчалик ишлаб кетиш имкониятларини аниқлаш уларнинг танланган фанлар бўйича билимлари ва малакалари даражаларини, ижодий ва жисмоний қобилиятларини баҳолашдир.

4. Имтиҳонлар саволлари ва топшириқларининг мазмуни умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар муассасалари дастурларига қатъий мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Спорт фанлари бўйича имтиҳонлар топшириқлари абитуриентларнинг алоҳида тоифалари учун (жинси ва ёши бўйича) белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ тузилади.

5. Абитуриентлардан профиль (ижодий) имтиҳонлар қабул қилиш учун олий таълим муассасасида фан бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади.

Олий таълим муассасасида имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин ректорнинг буйруғи билан олий таълим муассасасида тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва қабул қилиш масалалари бўйича тажрибали, малакали ва масъулиятли ўқитувчилар таркибидан фан имтиҳон комиссияси ташкил этилади;

айрим ҳолларда олий таълим муассасаси фан имтиҳон комиссияси таркибига бошқа таълим муассасалари ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг асосий иш жойи маъмуритининг тавсияларига биноан киритилишига йўл қуйилади;

олий таълим муассасаси идоравий бўйсунишига қараб вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда фан бўйича имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодни ўз вақтида тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади;

имтиҳонлар тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади;

имтиҳонларга ажратиладиган вақт олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади;

абитуриентларнинг ёзма шаклда бажарган имтиҳон ишларини текшириш ва баҳолаш кириш ёзма имтиҳонларини текшириш ва баҳолагш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Имтиҳонлар тест синовлари мажмуаларидаги фаннинг эгаллаган ўрнига қараб (мувофиқ 111,6 балл; 75,6 балл ёки 39,6 балл) белгиланган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиғида, ягона кўп балли тизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳонларни баҳолаш мезонлари ҳар бир фанга ажратилган умумий баллар доирасида, абитуриентларга қўйилган талабларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, олий таълим муассасаси фан имтиҳон комиссияси томонидан белгиланади.

Агар имтиҳон таълим йўналиши (мутахассислик) доирасидаги қатор мустақил фанлар бўйича ўтказиладиган бўлса, унда уни баҳолаш учун белгиланган балларнинг умумий миқдори, ҳар бир фаннинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, дифференциал тартибда, унинг таркибидаги фанларга бўлинади.

Қабул комиссияси имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин ўқишга кирувчиларга Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган имтиҳон олинадиган фанлар дастурини, уларни баҳолаш мезонларини, консультациялар ва имтиҳонлар жадвалини маълум қилади.

7. Имтиҳонлар якунлари баллар миқдори сифатида, танлов тартибида имтиҳон варақасига имтиҳон рўйхатига киритилади. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади.

Имтиҳон ведомостлари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ўз вақтида Давлат тест марказига тақдим этилади.

8. Жадвал бўйича профиль (ижодий) имтиҳонларга келмаган абитуриентлар тест синовларига қўйилмайди.

9. Олий таълим муассасасида профиль (ижодий) имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) комиссиясининг иши ташкил этилади.

5-ИЛОВА

## Ўқиш тожик, қозоқ, туркман тилларида олиб бориладиган айрим таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича кириш имтиҳонларини қабул қилиш

# ТАРТИБИ

1. Айрим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича ўқитиш тожик, қозоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган олий таълим муассасаларида, Давлат комиссияси билан келишилган ҳолда, қабул кўп балли тизим бўйича профиль имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади.

Бу таълим йўналишлари (мутахассисликлар)га аризалар фақат ўрта мактабни кўрсатилган тилларда битирган абитуриентлардан қабул қилинади.

2. Кўп балли тизим бўйича профиль ва тест синовлари асосида қабулни амалга оширувчи олий таълим муассасалари кўрсатилган ҳолда ўқитиш тожик, қозоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган таълим йўналишлари (мутахассисликлар)нинг рўйхатини ва профиль имтиҳонлар ва тест синовлари фанларини Ўзбекистон Республикаси таълим муасссасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (Давлат комиссияси) белгилайди.

3. Саволлар мазмуни ва имтиҳонлар топшириқлари умумий ўрта таълим дастурларига қатъий мувофиқ бўлиши лозим.

4. Абируриентлардан профиль имтиҳонларни қабул қилиш учун олий таълим муассасасида белгиланган тартибда фанлар бўйича имтиҳон комиссиялари ташкил этилади.

Олий таълим муассасаси идоравий бўйсунишига қараб вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда фанлар бўйича имтиҳон комиссияларининг раислигига номзодларни ўз вақтида тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Имтиҳонлар тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Имтиҳонларга ажратиладиган вақт олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

5. Имтиҳонлар тест синовлдари мажмуаларидаги фаннинг эгаллаган ўрнига қараб (мувофиқ равишда 111,6 балл; 75,6 балл ёки 39,6 балл) белгиланган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган оралиғида, ягона кўп балли тизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳонларни баҳолаш меъзонлари, ҳар бир фанга ажратилган умумий баллар доирасида, олий таълим муассасасининг имтиҳон комиссияси томонидан белгиланади.

Қабул комиссияси имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин, ўқишга кирувчиларга Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган имтиҳон олинадиган фанлар дастури, уларни баҳолаш меъзонлари, консультациялар ва имтиҳонлар жадвалини маълум қилади.

6. Имтиҳонлар якунлари баллар миқдори сифатида, танлов тартибида имтиҳон варақасига ва имтиҳон рўйхатига киритилади. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул қомиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади.

Имтиҳонлар натижаларига кўра, олий таълим муассасаси қабул комиссияси муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича Давлат комиссияси ажратган мувофиқ ўринларга танлов ўтказади.

7. Жадвал бўйича имтиҳонга келмаган абитуриентлар навбатдаги имтиҳонни топширишга киритилмайди.

8. Олий таълим муассасасида профиль имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (аппеляция) комиссиясининг иши ташкил этилади.

6-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш

# ТАРТИБИ

1. Кўзи ожиз тоифасига махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган етуклик аттестатига эга бўлган абитуриентлар киради.

2. Кўзи ожиз абитуриентлар республика олий таълим муассасаларига кириш чоғларида кириш имтиҳонларини таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссияси (Давлат комиссияси) томонидан тест синовлари учун белгиланган фанлар мажмуаси бўйича, беш балли баҳолаш тизими бўйича: анъанавий услубда топширадилар.

3. Фанлар бўйича кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли — ёзма ёки оғзаки — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан белгиланади.

4. Кўзи ожиз абитуриентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш учун олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан махсус масъул ходимлар ажратилади.

5. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси кириш имтиҳонларини ўтказиш учун фанлар комиссияларини ташкил этади.

6. Фан бўйича кириш имтиҳонларининг саволлари фан комиссияси томонидан умумий ўрта таълим дастурларига тўла мувофиқ ҳолда тузилади, ҳамда у белгиланган тартибда муҳокамадан ўтказилади ва тасдиқланади.

7. Кириш имтиҳонларини ўтказувчи комиссия таркибига кўзи ожизлар ёки ногиронлар жамиятининг вакили киради.

8. Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари кўзи ожиз абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари фанлари бўйича махсус тузилган жадвалга биноан консультациялар ташкил этадилар.

9. Кўрсатилган абитуриентлар тоифаси учун кириш имтиҳонлари қабул комиссиялари томонидан 26 июлга қадар ўтказилади.

10. Мазкур тоифа абитуриентлари ва кириш имтиҳонлари натижалари ҳақидаги маълумотлар 27 июлга қадар Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига топширилади.

11. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар, Давлат комиссияси билан келишилган ҳолда, қабул комиссияси мажлисининг баённомасига асосан, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан, танловсиз таълим муассасасига қабул қилинадилар.

7-ИЛОВА

## Республика мактаб олимпиадалари фани билан олий таълим йўналишлари ўртасидаги профиль мувофиқлик

| № Олимпиада фани<br>1 | Олий таълим муассасаси таълим йўналишлари (мутахассислик)нинг номи<br>2 |
|---|---|
| 1.Математика | — математика |
| | — амалий математика ва информатика |
| | — механика |
| | — касбга ўқитиш |
| | — спорт кибернетикаси |
| | — менежмент |
| | — иқтисодиёт |
| | — маркетинг |
| | — агроиқтисодиёт |
| | — статистика |
| | — иқтисодиётда ахборот тизими |
| | — молия ва кредит |
| | — автоматлаштириш ва бошқарув |
| | — тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси |
| | — транспорт воситаларидан фойдаланиш — агромуҳандислик |
| | — ўрмон иши |
| | — ер тузилиши ва ер кадастри |
| 2.Математика, информатика ва ЭҲМ, физика | — информатика ва ҳисоблаш техникаси |
| | — иқтисодиётда ахборот тизими |
| | «Информатика ва ЭҲМ» (олимпиада фани учун) |
| | — электрон воситаларни лойиҳалаш ва уларнинг технологияси |
| | — электроника ва микроэлектроника |
| | — электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар |
| | — асбобсозлик |
| | — электроэнергетика |
| | — гидроэнергетика |
| | — радиотехника |
| | — телекоммуникациялар |
| | — метрология, стандартлаш ва сертификациялаш |
| | — қурилиш |
| | — физика |
| | — астрономия |
| | — техникафий физика |
| | — геология |
| | — тоғ-кон иши |
| | — иссиқлик энергетикаси |
| | — авиа ва ракетасозлик |
| | — ер усти транспорт тизимлари |
| | — технологик машиналар ва асбоб-ускуналар |
| | — авиация ва космик техникадан фойдаланиш |
| | — геодезия |
| | — геология ва фойдали қазилмаларни қидириш |
| | — нефт ва газ иши |
| | — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш |
| 3. Кимё | — кимё |
| | — кимёвий технология ва биотехнология |
| | — металлургия |
| | — полиграфия |
| | — озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси |
| | — даволаш иши |
| | — педиатрия иши |
| | — тиббий-профилактика иши |
| | — стоматология |
| | — фармация |
| | — агрокимё ва агротупроқшунослик |
| | — агорономия |
| | — мевасабзавотчилик, узумчилик |
| | — ўсимликларни ҳимоя қилиш |
| | — ипакчилик |
| | — селекция ва генетика |
| | — зоотехния |
| | — қоракўлчилик |
| | — ветеринария |
| 4. Биология | — биология |
| | — даволаш иши |
| | — педиатрия иши |
| | — тиббий-профилактика иши |
| | — стоматология |
| | — фармация |
| | — тупроқшунослик |
| | — экология ва табиатдан фойдаланиш |
| | — педиатрия ва психология |
| | — педагогика ва психология (мактабгача тарбия) |
| | — дефектология |
| | — агрокимё ва агротупроқшунослик |
| | — агрономия ва агротупроқшунослик |
| | — агрономия |
| | — мевасабзавотчилик, узумчилик |
| | — ўсимликларни ҳимоя қилиш |
| | — ипакчилик |
| | — селекция ва генетика |
| | — зоотехния |
| | — қоракўлчилик |
| | — ветеринария |
| 5.Тарих | — тарих |
| | — музей иши ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш |
| | — туризм |
| | — шарқшунослик. Африкашунослик |
| | — Марказий Осиё халқлари тарихи |
| | — Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро муносабатлари тарихи |
| | — журналистика |
| | — халқаро журналистика |
| | — фалсафа |
| | — фалсафа ва мантиқнинг умумжаҳон тарихи |
| | — сиёсатшунослик |
| | — психология |
| | — ижтимоий иш |
| | — ҳуқуқшунос — педагог |
| | — кутубхонашунослик ва библиография |
| | — маданият соҳаси менежери |
| | — кино ташвиқоти услубчиси ва ташкилотчиси |
| | — маданий-оқартув ишлари ташкилотчиси-услубчиси |
| | — маданият соҳаси социологи |
| 6. География | — география |
| | — гидрометерология |
| 7. Ҳуқуқшунослик | — юриспруденция |
| | — ҳуқуқшунос-педагог |
| 8. Ўзбек тили ва адабиёти | — ўзбек тили ва адабиёти |
| | — журналистика |
| 9. Рус тили ва адабиёти | — рус тили ва адабиёти — журналистика |
| 10. Қорақалпоқ тили ва адабиёти | — қорақалпоқ тили ва адабиёти — журналистика |
| 11. Тожик тили ва адабиёти | — тожик тили ва адабиёти |
| 12. Қозоқ тили ва адабиёти | — қозоқ тили ва адабиёти |
| 13. Инглиз тили, немис тили, француз тили | — инглиз тили |
| | — немис тили |
| | француз тили |
| | — журналистика |
| | — халқаро журналистика |
| 14.Шарқ тиллари | — шарқ филологияси |
| | — журналистика |
| | — халқаро журналистика |
| 15.Чизмачилик, техник чизмачилик | — чизмачилик ва тасвирий санъат |
| | — санъат |
| | — дизайн |
| | — архитектура |
| | — архитектура безакларини таъминрлаш |
| | — тарғибот ва ташвиқотнинг тасвирий воситалари |
| | — графика |
| | — амалий графика |
| | — интерьер ва жиҳозлаш |
| 16. Математика (кўзи ожизлар ўртасида) | — амалий математика ва информатика |
| | — математика-механика |
| 17. Ўзбек тили ва адабиёти | — ўзбек филологияси |
| | — ўзбек тили ва адабиёти (кўзи ожизлар ўртасида) |

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

# НИЗОМ

**Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 июлдаги 320-ф-сонли фармойишига 2-ИЛОВА**

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши билан тасдиқланган белгиланган бепул ўқиш учун давлат грантларига мувофиқ ва тўлов-контракт асосида қўшимча ўринларга қабулни амалга оширадилар.

2. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, вазирлик ва идораларнинг тақдимномаларига кўра Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси деб аталади) мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассисликлар) бўйича ўринлар сонини тасдиқлайди ва бу ҳақдаги маълумотларнинг эълон қилинишини таъминлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш умумий ўрта таълим (11-синфлар) негизида — тест синовлари натижалари асосида йиғилган балларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими бўйича; базавий таълим асосида (9-синфлар) — кириш синовлари натижаларига кўра амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, имтиҳонлар натижаларига кўра ва тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар имтиҳон натижалари ва тест баллари рейтинги асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига, мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассислик), ўқитиш тиллари ва шакллари бўйича алоҳида ўтказилади.

Тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази амалга оширади. Тест синовларини ўтказишга масъул бўлган Давлат тест маркази вакиллари Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорлари жойларда тест ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

Кўзи ожиз абитуриентларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Олий таълим вазирлиги деб аталади) томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тест синовларида тўплаш мумкин бўлган балларнинг камида 30 фоизини тўплаган I ва II гуруҳ ногиронлари, шу жумладан, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларини, етим болалар ҳамда «Меҳрибонлик уйлари» болалар интернат-уйлари тарбияланувчиларини қабул қилиш масаласи Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

4. Тест синовлари уч тилда — ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасида мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассислик) бўйича ўқитиш тили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши билан тасдиқланган қабул кўрсаткичлари доирасида ҳужжатларни қабул қилиш бошлангунга қадар вазирликлар ва идоралар томонидан аниқланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент тест синовларини у ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасида ўқийдиган тилда топширади.

Мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассисликлар) бўйича тест синовлари учун тегишли фанлар мажмуаси белгиланади (1-илова).

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг айрим мутахассисликлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда қўшимча профиль (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади (2-илова).

5. Айрим мутахассисликлар бўйича ўқитиш тожик тилида (3-илова) ёки қозоқ тилида (4-илова) олиб бориладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тест синовлари ўрнига Олий таълим вазирлигининг алоҳида Низоми билан белгиланадиган мазкур мутахассислик учун мўлжалланган ўқитиш тилида кўп балли баҳолаш тизими бўйича имтиҳон синовлари ўтказилади.

Ушбу мутахассисликларга аризалар мактабни тегишлича фақат тожик ёки қозоқ тилларида битирган абитуриентлардан қабул қилинади.

6. Профиль (ижодий) ҳамда кўп балли имтиҳонлар, шунингдек, базавий маълумотли абитуриентлар учун имтиҳон синовлари Давлат комиссияси билан келишилган ҳолда Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Тартиб ва дастурларга мувофиқ ўтказилади.

### ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

7. Хорижий фуқаролар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида» 1994 йил 24 майдаги 266-сонли қарорига кўра ҳамда ҳукуматлараро битимларга мувофиқ ёки давлат комиссияси билан ёзма равишда келишилган шартларда тўлов-контракт асосида қабул қилинадилар.

Хорижий фуқароларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқишлари учун тўлов миқдори Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

8. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўз фаолиятини Олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширадиган қабул комиссиялари ташкил қилинади.

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалари қабул комиссиялари томонидан 20 июндан 25 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Абитуриент ўқишга кириш чоғида қуйидагиларни тақдим этади:

мутахассислик гуруҳи (мутахассислик), ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;

маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3х4 ҳажмдаги 6та фотосурат;

I ва II гуруҳ ногиронлари, етим болалар ва «Меҳрибонлик уйлари» болалар интернат-уйларида тарбияланганлар асл нусхадаги тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмларнинг ўқишга юбориш ҳақидаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентлар ҳам уларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қабул комиссиясига тақдим этадилар.

Абитуриент томонидан паспорт (туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома) ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ҳам шахсан кўрсатилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Ҳужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг қабул комиссиялари 27 июлга қадар Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига мутахассислик гуруҳи (мутахассислик), ўқув шакли ва тили кўрсатилан ҳолда, абитуриентларнинг (шу жумладан, юқорида қайд этилган тоифалари) сони ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотни тақдим этадилар.

### ПРОФИЛЬ (ИЖОДИЙ) ИМТИҲОНЛАР

9. Профиль (ижодий) имтиҳонлар тест синовларига қадар 11 июлдан 27 июлгача, тест синовларида назарда тутилган энг кўп баллнинг 0 дан 50 фоизигача бўлган оралиқда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича, амалга оширилади.

Профиль (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (аппеляция) аризалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг қабул комиссияси томонидан Олий таълим вазирлиги томонидан белгиланган тартибда, 28 июлга қадар кўриб чиқилади.

Профиль (ижодий) имтиҳонлар натижалари ҳақидаги маълумотлар Давлат тест марказига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари томонидан 29 июлга қадар тақдим этилади.

### ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

10. Ўқитиш шаклидан қатъий назар, барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тест синовларини ўтказишнинг ягона муддати — 11 август қилиб белгиланади.

(Давоми 5-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

# НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 июлдаги 320-ф-сонли фармойишига 2-ИЛОВА

(Боши 4-бетда)

11. Абитуриентлар мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассислик)га кўра 1-иловага мувофиқ икки фан мажмуаси бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Тест топшириқлари ва имтиҳон саволлари ўрта ва базавий умумтаълим мактабининг ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

12. Мажмуанинг ҳар бир фани 36 топшириқни ўз ичига олади. Тест синовлари учун қуйидаги вақт меъёри белгиланади:

72 саволга 2 соат.

Мажмуалар қуйидаги фанлардан тузилади:

1. Математика;
2. Кимё;
3. Биология;
4. Тарих;
5. Она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти ёки қорақалпоқ тили ва адабиёти).

Тест синовлари бошланишига қадар, 30 дақиқагача тушунтириш ишлари ўтказилади, бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

Тест синовларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш, жойларда тест синовлари қоидаларига қатъий риоя этиш масъулияти Давлат тест маркази вакиллари, қабул комиссияларининг раислари ва ҳокимликлар томонидан тайинланадиган аудиторияларнинг раҳбарларига юкланади.

Барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тест синови эрталаб соат 8дан 30 дақиқа ўтганда, тушунтириш ишлари билан бошланади. Жавоблар варақаси абитуриент томонидан ҳаво ранг пастали шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақасини тўлдиришга тест синови учун белгиланган вақт меъёридан ортиқча 20 дақиқа ажратилади.

Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Қабул қоидалари бўйича тегишли доирачаларни нотўғри белгилаган абитуриентлар эътирози кўриб чиқилмайди.

Белгиланган вақтда тест синовларига келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

## АБИТУРИЕНТЛАРНИ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЎҚИШ УЧУН ТЎЛОВ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ

13. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қўшимча қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси белгилаган грантларнинг умумий сонининг 50 фоизи доирасида ягона қабул қоидалари асосида имтиҳонлар натижалари ва тест синовларининг баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин уларни ўқишга қабул қиладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида улар ўқитишнинг тўлиқ қийматини тўлашлари тўғрисида контрактлар расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланклари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси қабул комиссияси томонидан тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда, 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида Давлат комиссияси томонидан ўқишга тавсия этилган абитуриентлар тўловни контрактда кўрсатилган ўқишга сарфланадиган ҳаражатлар қийматини ҳар йили тўла қоплаган ҳолда амалга оширадилар.

Ўқиш учун тўлов-контракт асосида грантлар ажратиш тартиби, контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Давлат комиссиясида тасдиқланган тегишли Низом билан тартибга солинади.

## ХАЛҚАРО ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ ВА МУСОБАҚАЛАР ҒОЛИБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарори билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари бўлган мактаб ва билим юртлари ўқувчиларини рағбатлантириш тартиби асосида Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси томонидан ўтказилган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг гувоҳномасини олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига танловдан ташқари, тест синовларисиз ва профиль (ижодий) имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қабул комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларининг аризалари ҳақидаги маълумотларни Мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассисликлар), ўқитиш шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, Давлат комиссияси ва Давлат тест марказига 27 июлгача бўлган муддатда тақдим этадилар.

## МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН АБИТУРИЕНТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида» 1994 йил 3 октябрдаги 496-сонли қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилинишида, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшган ҳолда имтиёзли шароитлар берилади.

Ҳарбий қисм тавсияномасини олиш тартиби ва унинг шакли Мудофаа вазирлиги ва Олий таълим вазирлигининг йўриқ хати билан белгиланади.

Қабул комиссиялари 27 июлгача ушбу тоифага кирувчи абитуриентлардан тушган аризаларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассисликлар), ўқитиш шакли ва тили кўрсатилган ҳолда Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига тақдим этадилар.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Давлат комиссиясининг абитуриентларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш тўғрисидаги қарори 20 августдан кечикмай қабул қилинади ва у 25 августга қадар абитуриентларни давлат грантлари бўйича ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруғларнинг расмийлаштирилиши учун асос бўлади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентларни қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган маблағ миқдори, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, 10 сентябрдан кечиктирилмай ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига кирувчилар учун тест синовлари бўйича мутахассисликлар гуруҳлари (мутахассисликлар) (*) ҳамда уларга тегишли фанлар

## РЎЙХАТИ

| Код (**) | Мутахассисликлар гуруҳлари ва мутахассисликлар номи | Тест синовлари ўтказиладиган фанлар номи | Бир тўғри жавоб учун бериладиган балл миқдори |
|---|---|---|---|
| X301 | — **мутахассисликлар гуруҳлари:** иқтисодиёт; экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш; гидрология ва метеорология; геология ва фойдали қазилмали конларни қидириш; фойдали қазилмали конларни очиш; энергетика; машинасозлик ва металларга ишлов бериш; авиация техникаси; автомобиллар ва тракторлар; энергетика машинасозлиги; машиналар ва ускуналарни ишлатиш, созлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш; электротехника; асбобсозлик ва асбоб-ускуна ҳамда аппаратлардан фойдаланиш; электрон техника; автоматика ва автоматлаштириш воситаларидан фойдаланиш; ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимлар; радиотехника ва алоқа; транспортдан фойдаланиш; ёғоч тайёрлаш ва ёғочни қайта ишлаш; архитектура ва қурилиш; геодезия ва картография. — **мутахассисликлар:** касб таълими; металларга босим билан ишлов бериш; қора ва рангли металларни қуйиш; металларга иссиқлик билан ишлов бериш; тиббий оптика; толали материалларга дастлабки ишлов бериш; табиий ипакка дастлабки ишлов бериш; ип-йигирув ишлаб чиқариши; газламалар ва трикотаж технологияси; халқ истеъмоли буюмларини андозалаш ва конструкциялаш тикувчилик ишлари; босма қолипларни тайёрлаш; чоп этиш ишлари; рисола ва муқова ишлаб чиқариш; чармдан буюмлар ишлаб чиқариш; китоб ва журналларни техник таҳрир қилиш; ер тузилиши; гидромелиорация; гидромелиорация ишларини механизациялаш; кўкаламзорлаштириш ва боғ — хиёбон хўжалиги; қишлоқ хўжалигини механизациялаш; қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг технологияси; фермер (деҳқон) хўжалигини ташкил қилиш; ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш ва унинг товаршунослиги; товаршунослик, моддий-техник таъминотни ва сотишни ташкил қилиш, китоб товаршунослиги; аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш; кооператив савдони ташкил қилиш ва халқ истеъмоли молларининг товаршунослиги; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашни ташкил қилиш ва уларнинг товаршунослиги; радиотехника ўлчовлари; электр техникаси ўлчовлари; механик ўлчовлар; стандартлаш ва маҳсулот сифатини назорат қилиш; меҳнат таълими; тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш; бошланғич синфларда ўқитиш. | Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X302 | — **мутахассисликлар гуруҳлари:** кимёвий технология; озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси<br>— **мутахассисликлар:** гигиена, санитария ва эпидемиология; фармация; лаборатория диагностикаси; рангли металлар ишлаб чиқариш; нотўқима ва тўқимачилик материаллари технологияси; пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кимёвий технологияси; чарм ва мўйна технологияси; ўрмон хўжалиги; агрономлик; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ипакчилик; озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш ва уларнинг товаршунослиги; таом тайёрлаш технологияси ва умумий овқатланишни ташкил қилиш; буюмларни кимёвий тозалаш ва бўяш; сартарошлик санъати ва декоратив косметика; кимёвий бирикмалар сифатини аналитик усулда назорат қилиш; металлар ва пайвандланган бирикмалар сифатини назорат қилиш. | Кимё<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X303 | — **мутахассисликлар:** жисмоний тарбия; даволаш иши; акушерлик иши; протез ишлаб чиқариш; ортопедик стоматология; стоматология; ҳамширалик иши; асаларичилик; зоотехния; ветеринария; зооветеринария; мактабгача тарбия. | Биология<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X304 | — **мутахассисликлар гуруҳлари:** ҳуқуқ ва ҳужжатларни юритиш<br>— **мутахассисликлар:** китоб ва журналлар мусаҳҳиҳлиги; меҳмонхоналарда ва сайёҳлик комплексларида хизмат кўрсатишни ташкил қилиш | Тарих<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |

**Изоҳ:**

***) «Маданият ва санъат» мутахассисликлари гуруҳидан ташқари**

****) Мутахассислик кодидаги «X» белгиси ўрнига ўқиш олиб бориладиган тегишли тилнинг рақами кўрсатилади:**

| Умумий асосларда ўқишга кирувчи абитуриентлар учун: | Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар учун: |
|---|---|
| 1 — ўзбек тили | 4 — ўзбек тили |
| 2 — рус тили | 5 — рус тили |
| 3 — қорақалпоқ тили | 6 — қорақалпоқ тили |

2-ИЛОВА

## Тест синовига қўшимча равишда профиль (ижодий) имтиҳон (*) ўтказиладиган мутахассисликлар

## РЎЙХАТИ

| Код | (**)Мутахассисликлар номи | Ижодий ёки профиль имтиҳон (баҳо 0 дан 80 баллгача) | Тест синовларилар ўтказиладиган фан | Бир тўғри жавоб учун бериладиган балл миқдори |
|---|---|---|---|---|
| X534 | Касб таълими | Мутахассислик бўйича | Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X535 | Тасвирий санъат ва чизмачиликни ўқитиш | Расм | Математика<br>она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X536 | Жисмоний тарбия | Жисмоний тарбия | Биология<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X537 | Мусиқий тарбия | Мусиқа ва ашула | Она тили ва адабиёти<br>Тарих | 3.1<br>2.1 |
| X538 | Халқ истеъмол буюмларини андозалаш ва конструкциялаш | Расм | Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X539 | Архитектура | Расм | Математика<br>Она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |
| X540 | Сартарошлик санъати ва декоратив косметика | Расм | Математика<br>она тили ва адабиёти | 3.1<br>2.1 |

**Изоҳ:**

**(*) — «Маданият ва санъат» мутахассисликлари гуруҳидан ташқари**

**(**) — Абитуриентлар тест синовлари усулида танланадиган, қабул ва ўқитиш ўзбек ва рус тилларида ҳам олиб бориладиган мутахассисликлар**

3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасининг қабул ва ўқитиш тожик тилида олиб бориладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари мутахассисликлари(*)

## РЎЙХАТИ

| № | Ўқитиш тили | (**)Мутахассисликлар номи | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари |
|---|---|---|---|
| 1. | Тожик тили | (**)Бухгалтерлик ҳисоби | Бухоро кооператив техникуми<br>Самарқанд кооператив коллежи<br>Самарқанд саноат-иқтисодиёт коллежи |
| 2. | Тожик тили | (**)Тижоратчилик фаолияти | Самарқанд кооператив коллежи |
| 3. | Тожик тили | (**)Автомобил ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни тузатиш | Самарқанд саноат-иқтисодиёт коллежи |
| 4. | Тожик тили | (**)Бошланғич синфларда ўқитиш | Самарқанд 2-педагогика билим юрти |
| 5. | Тожик тили | (**)Мактабгача тарбия | Беруний номидаги Самарқанд педагогика билим юрти |
| 6. | Тожик тили | (**)Мактабгача тарбия | Косонсой педагогика билим юрти |

**ИЗОҲ:**

**(*) — «Маданият ва санъат» мутахассисликлари гуруҳидан ташқари**

**(**) -- Абитуриентлар тест синовлари усулида танланадиган, қабул ва ўқитиш ўзбек ва рус тилларида ҳам олиб бориладиган мутахассисликлар**

4-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасининг қабул ва ўқитиш қозоқ тилида олиб бориладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари мутахассисликлари

## РЎЙХАТИ

| № | Ўқитиш тили | Мутахассисликлар номи | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари |
|---|---|---|---|
| 1. | Қозоқ тили | (*)Қишлоқ хўжалигини механизациялаш | Мирзачўл агро-иқтисодиёт коллежи |
| 2. | Қозоқ тили | (*)Фермер (деҳқон) хўжалигини ташкил қилиш | Мирзачўл агро-иқтисодиёт коллежи |
| 3. | Қозоқ тили | (*)Бухгалтерлик ҳисоби | Мирзачўл агро-иқтисодиёт коллежи |
| 4. | Қозоқ тили | (*)Бошланғич синфларда ўқитиш | Сирдарё педагогика билим юрти |
| | Қозоқ тили | (*)Бошланғич синфларда ўқитиш | Навоий педагогика билим юрти |
| | Қозоқ тили | (*)Бошланғич синфларда ўқитиш | Хўжайли педагогика-билим юрти |
| | Қозоқ тили | (*)Бошланғич синфларда ўқитиш | Беруний педагогика билим юрти |
| | Қозоқ тили | (*)Бошланғич синфларда ўқитиш | Тошкент вилоят педагогика билим юрти |
| 5. | Қозоқ тили | (*)Мактабгача тарбия | Жиззах педагогика билим юрти |
| 6. | Қозоқ тили | (*) Мактабгача тарбия | Навоий педагогика билим юрти |
| 7. | Қозоқ тили | (*)Мактабгача тарбия | Тошкент вилоят педагогика билим юрти |

**ИЗОҲ:**

**(*) — Абитуриентлар тест синовлари усулида танланадиган, қабул ва ўқитиш ўзбек ва рус тилларида ҳам олиб бориладиган мутахассисликлар**

# Жаҳон чемпионати кундалиги

Sport

### ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

Германия терма командасининг жаҳон чемпионатининг 1/4 финал баҳсида Хорватия терма командасидан ютилиши мамлакат футболида 90 фоиз бурилиш ясади. Яъни терма команда таркибида 30 ёшдан ошган барча футболчилар бундан буён европа ва жаҳон чемпионатларида, ўртоқлик учрашувларида майдонга тушмайдиган бўлди.

**1/4 финал учрашувлари**

1.Франция-Италия-0:0 (4:3)
2.Бразилия-Дания- 3:2
3.Голландия-Аргентина-2:1
4.Хорватия-Германия- 3:0

### МАРАДОНА ҚАЕРДА?

Бу савол ҳаммани қизиқтиради. Жавоб шу - жаҳон чемпиони Диего Марадона Францияда! Аргентиналик ишқибозлар учун футбол ўйинларини шарҳламоқда. Оладиган даромади кам эмас. Бемалол Пеленики билан тенглаштириш мумкин.Бу таклиф ва хизматдан унинг ўзи ҳам мамнун.

### МАРАДОНАНИНГ ФИКРИ

Диего Армандо Марадона Аргентина футбол ишқибозлари учун шарҳини олиб борар экан, кунларнинг бирида «16-жаҳон чемпионатида қатнашаётган барча футболчиларнинг маҳоратини паст баҳолаб,улар бир тийинга ҳам қимматлик қилади » деб юборди. Бу гап юртдошларига жуда маъқул тушибди. Унинг фикрича бу йил Франция жаҳон чемпиони бўлиши керак...

### МАРАДОНА НИМА ИШ ҚИЛМОҚЧИ?

Жаҳон чемпионати тугагандан сўнг Диего Марадона Англиянинг «Кристал Пэлас» клубида ўйновчи мураббий сифатида иш бошлаш учун инглизлардан таклифнома олди. Ҳали иш битганича йўқ. Марадонанинг ўзи Аргентина терма командасига бош мураббий бўлиш ниятида Даниэль Пассорелладан ўрнини бўшатиб беришини сўради.

maydonchasi

Tarbiya

## БОЛАЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИ ҚАЕРЛАРДА ЎТИШИ ЛОЗИМ?

Самарқанд шаҳрида кўпгина болалар талпинадиган бир маскан бор — Болалар техник ижодиёт маркази. Бу даргоҳга ташриф буюрганимизда ҳали мактабларда ўқиш тугамаган давр эди. Нега болалар талпинадиган жой дедим? Бир мисол. Борганимизда эрталабки соат ўнлар эди. Бир болакай йўлакдаги ўриндиқда ёғочдан ясаган самолётини қучоқлаб ўтирибди.

— Учадими? — деб сўрайман уни суҳбатга тортиш иштиёқида.

— Учади! — дейди у ғурур билан.

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Олтинчида.

— Нега мактабга бормадинг?

— Бошим оғриди...

Бола беғубор бўлади. Тўғрисини айтади. Боши оғриган бола эрталаб ўзи қатнайдиган тўгаракнинг эшиги олдида тўгарак раҳбарини кутиб турибди... Худди мана шу жараён тўгаракнинг нақадар қизиқарли эканлигини билдириб турибди. Қолаверса, бу тўгарак аъзолари республика миқёсида ўтказиладиган барча мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келишар экан.

— Бундай тўгаракларимиз кўп, — дейишди бизни кузатиб юрган мутасадди раҳбарлар. Иморат ҳам жуда ҳашаматли қурилган бўлиб бунда жуда кўп хоналар - тўгараклар мавжуд. Уларни айланиб чиқишимизга бир ярим соатдан кўп вақт кетди. Бу ерда ишлайдиган устозлар ҳам бир неча авлод вакилларидир.

Бизни ҳайратга солган яна бир тўгарак — радиоҳаваскорлар тўгараги бўлди. Ундаги радио жиҳозлари жуда кенг жойни эгаллаган бўлиб, жуда кам учрайди. У орқали дунёнинг барча ҳаваскор радио тўлқинлари билан боғланиши мумкин экан. Бизнинг ҳузуримизда тўгарак раҳбари Собир ака Россиянинг Свердловск шаҳридаги «Павел радио Ж4» радиоҳаваскори билан уланиб, об-ҳавони билиб берди. Собир ака илгари ҳарбийда ишлаган экан. Энди ўз билимларини ёшларга ўргатаяпти. Тўгаракка тўрт гуруҳ болалар қатнашаркан. Улар халқаро мусобақаларда ҳам қатнашиб юқори ўринларни эгаллаганликлари ҳақида қатор дипломларини кўрсатишди.

Умуман олганда, тикувчилик тўгараги дейсизми, зардўзлик дейсизми, барча-барчасида болалар бир неча гуруҳ бўлиб қатнашади. Энг асосийси, болаларнинг бўш вақтлари фойдали меҳнат билан ўтмоқда. Ҳаёлимиздан шундай тилак ўтди. Қани энди ҳар бир туманда, мактаблар қошида шундай тўгараклар ташкил этилса, улар болаларнинг севимли жойига айланса. Болалар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳоказо қонунбузарликларнинг саноғи камайган бўларди.

**Б.БОТИРОВ**

## БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ ?

(Боши 1-бетда)

Бунда уларни мактаб босқичига ақлий, жисмоний ва психологик тайёрлаш, ахлоқий-маданий жиҳатдан,гигиеник жиҳатдан тайёрлаш каби шартли бўлимларга бўлиш мумкин. Болаларни мактабга тайёрлашнинг бу тамойиллари соғлом, саводли, мустақил фикрлайдиган, тафаккур эта оладиган, болалар жамоасига кўниккан, билим олишга қизиққан болаларни мактабга йўналтиришдан иборатдир.

Ота-оналарга тушунарли бўлиши учун юқорида санаб ўтилган ҳар бир талабга алоҳида изоҳ берамиз:

а) боланинг мактабга ақлий жиҳатдан тайёрлиги,мустақил фикрлаш ва тафаккури шакллана бораётганлиги,камида 3000-3500 сўз заҳирасига эга бўлиши, содда гаплар туза олиши, камида бешта ёшига муносиб шеър ёд олган, шунча қўшиқни билган, мусиқа ритмларига тўғри туша олиши, оддий эртакларни ўз тилидан ҳикоя қилиб бера олиши, содда расмларга қараб кичик ҳикоя туза олиши, қуёш, барг,гул, уй,қушлар ва бошқа оддий нарсаларнинг расмини чиза олиши, 1 дан 9 гача бўлган сонлар иштирокида қўшиш, айириш амалларини чўплар ёрдамида бўлсада бажариши, 100 гача санашни билиши, 20дан 1гача юқоридан пастга тутилмасдан санашни билиши, камида ўнта уй ҳайвонларининг хислатларини айтиб бера олиши, ўсимлик, мевали ва манзарали дарахтларнинг бир-биридан фарқини айтиб бера олиши, оила аъзоларига қисқача таъриф бера олиши, уларнинг қаерда, ким бўлиб ишлашини ёки ўқишини, яшаш жойини (шаҳар, туман, вилоят,республика,кўча,уй) равон айтиши ва ҳоказо;

б) психологик ривожланганлик, киришимлилик,сўзамоллик,сахийлик, ўртоғига ёрдамлаша олиши, кетма-кетликка, пухталика, тартиб-интизомга ўрганиш, оилада шаклланган айрим номақбул хатти-ҳаракатлар, қилиқлардан фориғ қилиш, эркалик, инжиқлик, палапартишлик каби хусусиятларни йўқотиш;

в) жисмоний жиҳатдан соғломлигини таъминлаш, соғликни мустаҳкамлаш бўйича оддий машқларни бажариши, жисмоний чиниқиш йўлларини билиши, мавсумий кийиниш, дастурга киритилган жисмоний тарбия машқларини ўзлаштириб олиши, қандай шароитда шамоллаб қолиш, қандай ҳолатда юқумли касалликларни орттирмаслик, саломатликка зарар қиладиган ҳолатларни англаши, ёшига мос спорт жиҳозларидан фойдаланишни билиши;

г) маданий муомала, салом-алик, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват, дўстлик,бир-бирини қўллаб-қувватлаш, қиз болаларга алоҳида мулозамат билан муомалада бўлиш, дарсликлар ва ўқув қуролларидан тўғри фойдалана билиш, мактабда,оилада, кўчада ўзини ораста тутиши, раҳмдиллик, меҳр-шафқат ҳиссига эга бўлиши, кийиниш, муомала маданиятининг ёшига хос талабларини ўзлаштириб олганлик ва ҳоказо.

Ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар болага доимо «сен энди ўқувчисан»,«сен энди катта боласан», «ўқувчи деган номга доимо муносиб бўлишга ҳаракат қилишинг керак», «мактаб-муқаддас даргоҳ,сен унинг барча қонун-қоидаларини пухта ўзлаштириб олгандагина аълочи, намунали ўқувчи бўласан» деган гапларни уқтириш, уларни шундай бўлишга ўргатиш керак.

Болаларни мактабга тайёр эканликларини туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган «Касб танлаш ва болаларни мактабга тайёрлигини аниқлаш маркази» белгилайди.

Мазкур тиббий-психологик-педагогик марказ болаларда айрим жисмоний ва коррекцион нуқсонларни аниқлаб, уларни махсус мактабларга юбориш ҳақида тавсиялар ҳам беришлари мумкин. Ота-оналар бундан чўчимасликлари, махсус мактабларга болаларини олиб боришдан бўйин товламасликлари керак. Бу оила учун ҳам, боланинг келажак ҳаёти учун ҳам зарурдир. Болалар махсус коррекцион мактабларда таълим-тарбия олиш билан бирга ўқув масканларида даволанадилар. Соғлом ҳолда мактаб қучоғига қайтадилар. Буни ҳар бир ота-она тўғри, оқилона қабул қилиши керак.

**Манзура СОЛИҲОВА,**
**Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси директори**

Ko'ngil bitiklari

## ЮРАГИДА ШЕЪР БОР ИНСОН

«Юрак» сўзининг икки хил маъноси бор. Бири инсон ҳаётини таъминлайдиган аъзо бўлса, иккинчиси унинг энг улкан бойлиги. Зеро инсоннинг қандайлиги унинг мана шу бойлиги билан ўлчанади.

Юрагида шеър, мусиқа бор инсонни энг бахтли инсон, деб биламан. Чунки, мусиқа, шеър бор юракда эзгулик бўлади.Бундай юракда ёмонликка, қабиҳликка жой қолмайди.

Болибой Жўмартов ана шундай инсонлардан. Унинг энг улуғ касб — ўқитувчилик билан шуғулланиши, педагогик фаолияти даврида, шу пайтнинг ўзига қадар неча ўнг минглаб болага тарбия бергани ва бераётганидан ташқари, юрагида шеър олиб юради. Бу — афсуски, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ноёб фазилат.

Болибой Жўмартовнинг шеърларида табиат манзараси, ҳаёт гўзаллигини кўриб, дилингиз ёришади, муҳаббат оламида сайр қиласиз.

**Машраб БОБОЕВ**

### ЙИРОҚЛАРДАСАН



*Нурдай эшиламан сенга қарасам,*
*Умидли куртакдай гуллаб кетар жон!*
*Қуёш нурларидек сочинг тарасам,*
*Дилимда қолмагай заррача армон!*
*Аммо, нетай, сенга етмоқ кўп мушкул!*
*Ёруғ юлдузим, эй, йироқлардасан,*
*Сен — мен излаётган энг муқаддас йўл,*
*Сен — мен тополмаган бўёқлардасан!*

### ФАҚАТ СЕНУ, МЕН ЭМАС

*Бахт қуёши эрта ботган фақат сену, мен эмас,*
*Орзулари чаппа оққан, фақат сену мен эмас.*
*Олов эди дилда севгим, қалбга кўмдим мен уни,*
*Қалбинг қабр айлаб ўтган, фақат сену, мен эмас.*
*Куйса буток қайта унмас, энди унга қуш қўнмас,*
*Кўнгил қуши қўлдан учган, фақат сену, мен эмас.*
*Ботаётган қуёшдайин, осмонимга интилиб,*
*Парвонасиз қолиб кетган, фақат сену мен эмас.*

**Болибой ЖЎМАРТОВ**

Xullas...

### ЭНГ ТОЗА СУВ ҚАЕРДА?

Экологларнинг фикрига кўра, энг тоза сув Грецияда. Бу ердаги сувнинг тиниқлигига 99,9 фоиз кафолат бериш мумкин экан.

Иккинчи ўринда Италия турар экан, тоза чўмилиш ҳавзалари бу ерда 92,9 фоиздир. Сўнгра Ирландия, Португалия ва Швециядаги чўмилиш ҳавзалари ҳам денгиз сувларининг аҳволини ўрганувчи Европа ташкилоти томонидан юқори баҳоланди. Бу ташкилот 13 мингта қирғоқ ва 6 мингта чўмилиш ҳавзаларини микробиологик таҳлил қилиб шундай хулосага келдики, сувни ифлослантирувчи нарса бу — стрептокок (бактерия), фенол /карбол кислота/ ва машина мойларидир...

### АЙИҚПОЛВОН МАҒЛУБ БЎЛДИ

Инсон ва ҳайвон ўртасида қандай тўқнашувлар бўлмаган дейсиз? Айниқса, йиртқичлар билан юзма-юз келганда, кишининг қандай аҳволга тушиши маълум.

Кемерово вилояти посёлкаларидан бирида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа рўй берди. Балиқчилардан бири уйига ўрмон орқали кетаётганда рўпарасидан катта айиқполвон чиқиб қолса бўладими? Балиқчи қўрқувнинг зўридан дағ-дағ титрар, ўзини ундан қандай ҳимоя қилишни ўйларди. Айиқполвон эса қулоқларини диккайтириб тураверди. Эҳтимол, у қаршисидаги ўлжага қандай ҳамла қилиш кераклиги тўғрисида «режа» тузгандир.

Балиқчи ақлини ишга солди. У ҳуштак чала бошлади.«Рақиби» қимирламас, унга ҳамон қизиқиб қараб турарди. Шунда балиқчи тизза ва қўл кафтларини ерга қўйиб, ит сингари акиллай бошлади. Айиқ тисарилди, гангиб қолди шекилли, ўрмон ичига ғойиб бўлди.

«Қаҳрамон» эса уйга балиқсиз қайтди. «Жонинг омон қолганига шукр қил» деб тасалли беришди унга...

### ЮРКОВНИНГ ДАЛА ҲОВЛИСИ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Россия давлат статистика қўмитаси бошлиғи вазифасида яқин вақтларгача фаолият кўрсатган Юрий Юрковнинг дала ҳовлиси 120-150 минг АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Бу шахс ҳозир ҳибсда. Товламачиликда айбланмоқда. Дала ҳовлига ҳамма қатори автобусда қатнаётган Юрковнинг 16 ёшли қизи ва хотинининг кайфияти ҳам чатоқ, деб ёзади «Аргументы и факты» газетаси.

ana shunaqa gaplar...



To'yxat o'rnida

## НОЁБ ИСТЕЪДОД

**(Бир сурат тарихи)**

Мен Малла ака Очилов ҳақида ўзимнинг икки жилдлик «Ўтли эҳтирос» (1992,1994 йилларда) чоп этилган китобимда озмикўпми устозга бўлган дил сўзларимни изҳор қилган эдим... Ўйлайманки, ҳозир бу ҳақда яна гапириб ўтишнинг мавриди эмас. Ёнларида ўтирган камтарин, ҳокисор аёлнинг умид тўла боқишларига назар солинг, фан тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган Дилором опанинг кўз қарашларида олам-олам «сир» бордек туюлади... Дилором Шарипова мана шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган фозила аёллардан. У медицина институтининг педиатрия факультетини тамомлаган, кейинчалик тақдир тақозоси билан ўзининг бутун онгли ҳаётини болаларни тарбиялашдек муҳим ва шарафли ишга бахшида этиб келмоқда. Олиманинг мана шу мавзу юзасидан чоп этилган икки юздан ортиқ илмий ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Унинг докторлик иши жуда ажойиб, замонабоп мавзуда эди... Мамлакатимизнинг кўпгина ўлкаларидан турли мутахассис олимлардан келган тақризлар, очиқ мактубларда олиманинг серқирра ижод соҳиби эканлиги, унинг илмий асарлари ўзининг янгилиги, оригиналлиги, чуқур ғоявийлиги билан аллақачон кўпчиликнинг қалбидан чуқур жой олганлиги баён қилинган эди...

Ушанда расмий оппонентлардан бири Малла ака Очилов Дилоромхоннинг илмий ишини атрофлича таҳлил қилиб, олиманинг фан тараққиётига қўшиб келаётган муносиб ҳиссаси ҳақида батафсил гапираркан: «Бундай ноёб истеъдод ҳар кимга ҳам насиб этавермайди... Эътибор беринглар-а, Дилоромхон аввало болалар шифокори бўламан деган, бу ихлосманднинг муҳаббати кейинчалик уни мактаб ҳаётига магнитдек тортиб кетган. Шифокор одамнинг фанга бўлган муҳаббати, ихлоси, ҳафсаласини, қарангки, у эринмай, иккинчи олийгоҳни биринчи курсидан қайта бошлаб, ўқиб битирган.

Устозимиз Малла аканинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда шуни айтмоқчимизки, бу гапларнинг айтилганига ва Дилоромхоннинг ҳаётида ўчмас из қолдирган ўша шодиёна кунга ҳам мана бугун қарийб ўн йил бўлди...

Мана шу давр мобайнида олимамизнинг қалами янада чархланди, унинг қаламига мансуб ўнлаб сермазмун, залмон билан ҳамнафас, чуқур илмий асарлар яратилди, шогирдлар янада кўпайди. Энг муҳими, Дилором опа Шарипова муносиб ўринбосарлар етиштиришдек олижаноб ишга бел боғлади ва ўз тақдирини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети билан боғлади...

У ҳар йили минглаб талабалар билан юзлашади, дўстлашади, улардан доно насиҳатларини дариғ тутмайди. Айниқса, Дилором опанинг «Соғлом авлод учун» республика жамғармаси президиумининг аъзоси сифатида шу кунларда олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Ушбу сатрларни шунчаки сурат баҳона қаламга олдим, лекин шуни ҳам очиқ айтайки, сизни таниган, билган дўстларингиз, шогирдларингизнинг қалб сўзларини ҳаммасини бир йўла ифода этишга қалам ожизлик қилади. Ушбу мисраларни сизга бўлган муҳаббатимиз нишонаси сифатида тўйхат ўрнида қабул қиласиз, деган умиддаман! Чунки, халқимиз сиздек букилмас иродали, ноёб истеъдод соҳибасини етиштирганидан ҳамиша фахрланади!

Умрингиз боқий бўлсин!

**Абдулла ИСМОИЛОВ,**
**педагогика фанлари доктори, журналист**

Qutlov



Муҳтарам Манзурахон Эргаш қизи!

Таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз.Сиздек пок, қалби дарё инсонни, ҳар бир куни бизларга ибрат мактаби бўлганини бугун алоҳида таъкидлашни истаймиз.

Тетиклик Сизни тарк этмасин, фарзандлар орзу-ҳавасини, неваралар камолини кўриб юриш сизга насиб этсин.

Хонадонимиз шам чироғи, қут-баракаси Сиз — меҳрибонимиз узоқ йиллар омон бўлинг.

**Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз**

## ПАНДНОМА

Машҳур инглиз донишманди Жексон Брауннинг университет сари отланган ўн саккиз ёшли ўғлига қилган насиҳатлари:

*Аниқ ва ўз вақтида ишлашга ҳаракат қил ва бошқалардан ҳам шуни талаб эт.*

***

*Керагидан кўпроқ раҳмдилроқ бўлгин.*

***

*Пул сенга бахт келтиришини кутиб ўтирма.*

***

*Ҳар куни эрталаб яхши бир мусиқа эшитиш учун вақт топ.*

***

*Ҳеч қачон ювилмаган идишлар бўлса, уйқуга кетма.*

***

*Ҳеч қачон вақтнинг ва сўзингни бекорга сарфлама. Улар қайтиб келмайди.*

***

*Мақтасанг бутун омма олдида мақта. Танқид қилсанг якка ҳолатда қил ва йўлингни давом эттир.*

***

*Қилган хатоларинг устида кўп бош қотирма. Улардан керакли хулоса чиқар.*

***

*Ҳеч қачон ҳеч кимга чарчаганларинг ва тушкунликка тушганликларинг ҳақида оғиз очма.*

***

*Ҳар кунлик шахсий кундалик тут.*

***

*Ваъдаларинг устидан чиқ.*

***

*Инсонлардан яхшилик изла.*

***

*Ўзгаларнинг вақтини эъзозла. Агар белгиланган вақтдан 10 дақиқадан кўпроққа кеч қолаётган бўлсанг, қўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўй.*

***

*Ич кийиминг доимо аъло даражада бўлсин.*

***

*Инсонларнинг исмини ёдингда тут.*

***

*Ҳеч қачон, ҳеч кимни умиддан маҳрум қилма, балки шу умид улардаги ягона нарсадир.*

***

*Қуёш чиқишини ҳеч бўлмаса бир йилда, бир марта кузат.*

***

*Бошқаларнинг туғилган кунларини ёдингда тут.*

**Инглиз тилидан Давронбек НОСИРОВ таржимаси**

1-Тошкент педагогика билим юртининг нафақадаги математика ўқитувчиси
Барно ҚОДИРОВА
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Рустам БОЙМАТОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0175. Тиражи 26.234. Ҳажми4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.30. Г. 123456